

Ариза, шикоятларнинг асосий қисми шу ерда ҳал этилаётгани ёхуд юқори ташкилотлар билан алоқадор масалалар ҳам маҳалла орқали, унинг хабардорлигида ечимини топаётгани фуқароларнинг маҳаллага бўлган ишончини оширапти. 3 бет

Хуқуқбузарликка мойил шахсларни аниқлаб, уларни жиноят кучасидан қайтаришга эришгани туфайли маҳаллада ножўя хатти-ҳаракатлар йилдан йилга камайиб бормоқда. 4 бет

Қайсар қайнана олдига уч-тўрт марта қатнаб, қайта ва қайта суҳбатлашганимдан кейин келинининг қайтиб келишига розилик берди. 5 бет

Маҳалла

20 (726)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 20 май. Пайшанба

1996 йилдан чиқа бошлаган

ISSN 2010-7013

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Оролбўйида ҳовли тўйлари


КЕГЕЙЛИ туманидаги «Қизил уй» ва Нукус туманидаги «Узункўл» овулларида қирқта замонавий уй ўз эгаларига топширилди

Қишлоқларни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш, шарт-шароитини яхшилаш ишлари, мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори асосида Эмликқалъа туманининг «Қиличчиноқ», Хўжайли туманининг Ойбек, Нукус туманининг «Узункўл» ва Кегейли туманидаги «Қизил уй» овулларида намунавий лойиҳалар асосида замонавий тураржойлар бунёд этишга ўтган йили киришилган эди.

Бу овулларнинг ҳар бирида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки қoшшдаги «Қишлоқ қурилиш инвест» иктисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси Қорақалпоғистон Республикаси филиали буюртмаси бўйича намунавий лойиҳалар асосида 20 тадан яқка тартибдаги янги уй-жойлар, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга иншоотлар, коммуникация тармоқлари бунёд этилди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]



СПОРТ

Ватанни шарафлаш бахти

ЖОРИЙ йилнинг 14-26 август кунлари Сингапурда бўладиган ўсмирлар ўртасидаги I Олимпиада ўйинларида қатнашадиган Азиза Мамажонова бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида кўпқўраш беллашувида голиб чиқди. Бу мусобақа иқтидорли спортчимиз учун Сингапур Олимпиадасига кўрилатган тайёргарининг наватдаги босқичи бўлди.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида барча йўналишларда бўлгани каби спорт соҳасида ҳам кенг кўлами ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшлар, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этиш кенг йўлга қўйилди. Бундай юксак эътибор ва ғам-хўрлик самараси ўлароқ, юртимизда юқори мақсадлар сари қурашадиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда.

СПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ > [7]

ДАВРА СУҲБАТИ

Корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтириш

МАҲАЛЛАЛАРДА оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади



Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги матбузасида маҳалла фаолиятини ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизми ва воқолатларини кенгайтириш хусусида сўз юритиб: «Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор», деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, бутун маҳалланинг фуқароларининг жойлардаги муаммоларини ечишда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, ижтимоий фаолигини таъминлашдаги ўрни ва нуфузи тобора ортмоқда. Маҳалла ижтимоий қўллашувнинг энг таъсирчан ва самарали тизими сифатида ҳам эътироф этилган. Чунки айнан маҳаллаларда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлари таркиб тошган, ижтимоий қадриятлар ва ўзаро муносабат қоидалари сақлаб қолинган. Шу боис, истиқлол йилларида мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг эътибори туфайли маҳалла тизими жамиятимизда ишончли таянч ва таъсирчан кучга айланиб бормоқда.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ > [2]

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Талаба-ёшлар фестивали бошланди

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида «Талабалар баҳори — 2010» фестивали бошланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимилиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тўрт мингдан зиёд йигит-қиз иштирок этмоқда.

Фестивалнинг очилишида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Муҳаммадов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида жисмоний ва маънавий етуқ соғлом фарзандларни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бундай хайрли ишлар кўлами Баркамол авлод йилида янада кенгаймоқда.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур фестиваль доирасида илмий-амалий конференциялар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ўтказилади. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида талабалар жамоалари ўртасида футбол, мини-футбол, волейбол, стол тенниси, сузиш, шахмат бўйича беллашувлар бўлиб ўтади.

— Бу каби тадбирлар ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб этишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси етакчилар кенгаши раиси Азамат Камолов. — Анъанавий тарзда ўтказилаётган фестиваль ёшлар ўртасида спортни кенг омалаштиришга хизмат қилаётди. Бу йилги спорт мусобақаларида қизлар жамоаси фаол иштирок этмоқда.

Тадбирнинг очилишида таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт, талабаларнинг бадий чиқишлари намойиш этилди.

Гўзал САТТОРОВА, ЎЗА мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР ОИЛАСИ

Меҳнатдан келган бойлик

Наврўза бу хонадонга келин бўлиб тушган кезлари бичиш-тиқиш у ёқда турсин, итгина ип ўтказишни ҳам эшлай олмасди. Қайнагани, моҳир бичувчи, чевар тикувчи Сайида опа Алиевага ҳаваси келиб: «Онажон, касбингизни менга ҳам ўргатинг», деб астойдил илтимос қилди. Келинининг қизиқишини кўриб, Сайида опа: майли, болам, сени шогирдикка олдим, дея пешонасидан ўшиб қўйди. Мана шунга ҳам саккиз йил бўлибди. Бугун Наврўза Тўрақулова ўзи истиқомат қиладиган Жомбой тумани Аҳмаджон Қурбонов номидаги маҳалланинг олд чеварларидан. У оиласи анъаналарини садоқат билан давом эттириб, кўшлаб шогирдлар ҳам еттиштирди.

— Шароф ака Қурбонов оиласини на-

фақат маҳалла, балки туманимиз аҳли ҳам яхши танийди, — дейди Аҳмаджон Қурбонов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини котибаси Роҳат Розиева. — Қимдан сураманг, уларни тадбиркорлар оиласи, деб эътироф этилади. Бунинг боиси, Шароф ака — қўли гул уста. У киши қурган иморатлар, ёғочдан ясаган турли-туман буюмлар гўзаллиги, бежиримлиги билан ажралиб туради. Касбининг сир-асрорларини ўғли Азаматжонга ўргатган. Шароф аканинг турмуш ўртоғи Сайида опа оилда тикувчиликни ривожлантириб келмоқда. Ота-онанинг хунарларини эгаллаган Азаматжон билан Наврўзахон энди уларни фарзандларига ўргатишмоқда.

ИҚТИСОДИЁТ > [3]

ЗАМОНАВИЙ ҚВП

Тиббий хизмат такомилли

Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар йилдан-йилга ривож топаётгани, қолаверса, чекка қишлоқ ва маҳаллаларда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда яратилаётган қулайликлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга имкон бераётди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган фармон ва қарорлар, Давлат дастурлари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди.



СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ БОЙЛИГИ > [5]



Республикамиз маҳаллаларида

Жамғарма республика бошқарувида

“Маҳалла” жамғармаси республика бошқарувининг навбатдаги йиғилишида жамғарманинг 2010 йилги иш режаси ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари тўғрисида Низом”га биноан жорий йилнинг май-июнь ойларида Бухоро, Андижон, Наманган вилоятларида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолиятини ўрганиш ва такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурдаги Яраштириш комиссияси билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ёшлар билан ишлаш комиссиясининг амалдаги

низомини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда тасдиқлаш бўйича ишчи гуруҳи тузиш вазифаси белгилаб олинди. Йиғилишда Президентимизнинг 2010 йил 5 майдаги «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жамғарма республика бошқаруви Раёсатининг қарори қабул қилинди ва чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бундан ташқари, аҳоли томонидан унумли фойдаланиш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари юзасидан мониторинг олиб бориш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Мухбиримиз.

Фахрийлар саёҳатга чиқишди

Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани ҳокими, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармасининг туман бўлиналари ташаббуси билан «Шуртангазким» мажмуи ҳимойида 40 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларнинг Бухоро шахрига саёҳати уюштирилди. Улар икки кун давомида шахарнинг қадимий обидалари, қадам-жоларини зиёрат қилишди.

— Мен бу саёҳатдан катта таассурот

А.БЕККАМОВ

Эмлаш ўтказилмоқда

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 51-оилавий поликлиника ходимлари ҳамда «Шахристон», «Оқибат», «Адолат», «Наврўз» каби ўн та маҳалла фаоллари ташаббуси билан 5 ёшгача бўлган болалар, жумладан, чақалоқларни полиомелитга қарши эмлаш ташкил этилди. Маҳаллаларда ота-оналар, ёш оналар ҳамда шифокорлар иштирокида ўтказилган давра суҳбатларида полиомелитдан ҳимоя қилинишни самарали усули эмлаш эканлиги ҳақида тушунириш ишлари олиб борилаётган. Полиомелитга қарши чақалоқлар, 5 ёшгача бўлган болалар эмланishi ло-

зим, — дейди поликлиника бош шифокори Гуза Қодирова. — Маҳалла аҳли ўртасида бу хасталиқдан сақланишнинг самарали воситаси эмлаш эканлиги ва бу усулнинг хавфсизлиги суҳбатларда айтиб ўтилмоқда. Эътиборлиси, айни пайтда ҳудудимиздаги 5 ёшгача болаларнинг аксарияти полиомелитга қарши эмланди.

Энг муҳими, тиббиёт ходимлари, йиғин мутасаддилари томонидан «Фарзандингизни полиомелитдан ҳимоя қилиш — сизнинг қўлингизда» шиори остидаги тушунириш ишларини олиб бориш тадбирлари давом этмоқда.

Ҳ.СУЛТОНОВ

Алкоголсиз, тамакисиз ҳаёт

Самарқанд шахрида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Баркамол авлод — алкогольсиз, тамакисиз ҳаёт» шиори остида ёшлар анжумани бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими томонидан уюштирилган анжуманда 10 минг на-

фардан зиёд ўқувчи ёш иштирок этиди. Анжуман ёшлар ўртасида тамаки чекиш, алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик сингари ёт иллатлардан холи, соғом турмуш тарзи тарбиясига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳ.ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Ташкилий масала кўрилди

Кеча «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқарувининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Тошкент вилояти ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдам-

чиси лавозимида ишлаб келган Суяржон Қурбонқулов жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди.

Тадбирда жамғарма республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов иштирок этиди.

Мухбиримиз.

ДАВРА СУҲБАТИ

Корхоналар билан ҳамкорликни кенгайтириш

МАҲАЛЛАЛАРДА оилавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади

< [1]

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз маърузасида маҳалла тизимига доир белгиланган устувор вазифалар ижроси мамлакатимиздаги қатор нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг муҳим мезонига айланган. Яқинда «Файз холдинг» компаниясида «Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш масалалари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Файз холдинг» компанияси ва қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент шаҳридаги фуқаролар йиғинлари раислари, экспертлар, олий ўқув юрталари ва илмий тадқиқот институти хизматлари иштирок этишди.

Тадбирда маҳаллаларда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш мақсадида корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллалар билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш борасида бирмунча амалий натижаларга эришилганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, маҳаллаалар ва халқ хўнарамдчилиги вакиллари ҳамкорлигида юртимиз бўйича қўллаб оилавий бизнес ҳамда тадбиркорлик марказлари ташкил этилган. Маълумотларга қараганда, бундай марказларда 21 минг нафар уста ва 45 минг нафар ёш иш билан банд, Шу билан бирга, 13,4 минг нафар одам, жумладан, 1,5 минг нафар ногирон уйда ишлаяпти.

Мазкур тадбир ҳам бежиз «Файз холдинг» компанияси ҳамкорлигида ўтказилганлиги йўқ, Корхона маҳаллалар ва халқ хўнарамдчилиги вакиллари ҳамкорлигида қўллаб оилаларда бизнес ҳамда тадбиркорлик марказларини очган ҳамда катта таъриба тўплаган. Айниқса, бу борада Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидаги компанияда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

— Аҳолини иш билан таъминлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш, касаначилик меҳнатини ривожлантириш доимий диққат-эътиборимизда, — деди «Файз холдинг» компанияси масъул ходими Феруза Арипова. — Бугунги кунда компаниямизда 52 та касаначилик иш жойлари, шундан, 46 таси бош корхонада, 4 таси «Файзли Борода» масъулияти чекланган жамиятимизда, 1 таси «Файз

Текстиль» масъулияти чекланган жамиятимизда, 1 таси «Файз Эмирате Ферниче» кўшма корхонамизда яратилган. Касаначилар билан меҳнат шартномалари тузилган, уларга меҳнат, жамғариб бориладиган пенсия масалалари оғилган. Умуман олганда, корхонамизда ишлаётган ишчиларга берилётган барча имтиёزلардан улар ҳам тўлиқ фойдаланишда.

Бугунгача касаначиларимиз томонидан 60 миллион 922 минг сўмлик маъсулот ишлаб чиқарилади, уларнинг ойлик маошлари ўртача 200-400 минг сўмни ташкил этмоқда. 2010 йилнинг биринчи чорагида бош корхонамизда касаначиларнинг жами маоши 5 миллион 888 минг сўмни ташкил этди. Касаначиликни ривожлантириш масалалари ҳудудимизда жойлашган маҳаллалар билан ҳамкорликда олиб борилаётган. Вақант жойларга айнан маҳалланинг тавсияси асосида касаначиларни қабул қиламиз. Албатта, бизда оиланинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, барча шароитлар инобатга олинади, асосий эътибор кўп болали, кам таъминланган оилаларга қаратилади. Маҳаллада ким қандай яшашини маҳалла яхши билади. Шу боис, маҳалланинг фикри биз учун муҳим. Ишчиларимизнинг кўпчилиги ҳудудимизга яқин бўлган «Янги ҳаёт», «Оқибат», «Қилчоқ», Амир Темур номидаги маҳаллаларда истиқомат қилишади. Олиб бораётган таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, касаначилик асосида ишлашни хоҳлаётганлар сони кўпчилигини ташкил этаётган.

Феруза Арипованинг таъкидлашича, корхонада касаначилик фаолиятини йўлга қўйиш энгил бўлмаган. Сабаби мебел тайёрлаш мурракб жараён бўлиб, унинг майда деталларини касаначиларга буюртма сифатида бериб бўлмади. Масалан, оддий винтини ишлаб чиқариш учун замонавий техника зарур. Шу боис, корхона қошида касаначиларга мўлжаллаб мебел тайёрлашда зарур бўладиган буюмлар ишлаб чиқарадиган цехлар ташкил этилди. Хусусан, корхонанинг Фарона вилояти Риштон туманида жойлашган филиалида толегардин матолари ишлаб чиқарилади. Бу матолардан касаначилар дастурхонлар, эшик ва ромлар учун пардалар тикишади. Бундай ҳамкорлик ҳар икки томон — касаначилар учун ҳам, корхона учун ҳам бирдек фойдалани.

— Беш нафар фарзандим бор, — деди касаначи Жумагул Абдусатторова бундай ҳамкорликнинг афзалликлари ҳақида гапириб. — Турмуш ўртоғим ишлайди, лекин оилани тебратиш учун бир кишининг топгани кам, оиламиз катта-да. Шунинг учун бир йилдан буён «Файз холдинг» корхонасида касаначилик асосида ишлаб келяпман. Ўртача 200 минг сўм ойлик оламан. Афзал томони шундаки, мен доимо уйда, фарзандларим ёнидаман. Шу билан бирга, корхонадан бериб



юборилган материаллардан корхона ишчилари учун кийим-кечак тикаман. Бу икки томон учун ҳам фойдалани, деб ўйлайман.

Яна бир касаначи Захро Жумаева ҳам-касбининг гапларини маъқуллади:

— Сергели туманининг «Янги ҳаёт» маҳалласида яшайман. «Файз холдинг» компанияси менга тикув машинаси олиб берди. Мен касаначилик асосида уйимда ёшларга бичиш-тиқиш сирларини ўргатаман. Ўйлайманки, бундан мен ҳам, корхона ҳам фойда кўряпти. Менимча, маҳаллаалар қошида ёшларга хунар ўргатадиган марказлар ташкил этиш вақти етди.

— Менга жуда кўп корхоналар раҳбарлари экскваторчи, чилангар каби касб эгаларини топиб бериш бўйича мурожаат қилишди. — дея, мавзунини давом эттирди Сергели тумани бақдликка кўмаклаштиш маркази директори Ҳамид Низомова. — Лекин бундай касб эгалари кейинги пайтда камайиб борапти. Ўрганиб кўрсам, бу касбни ўргатадиган касб-хунар коллежлари ҳам жуда кам экан. Касаначиликнинг афзалликлари ҳақида юқорида айтилган фикрларга қўшилган ҳолда айтмоқчиманки, маҳаллалар қошида шу каби касбларни ўргатадиган марказлар ҳам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

— Корхонамиз билимдон ва малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор билан қарайди, — деди «Файз холдинг» компанияси бош директори Мукаррамхон Азимова юқоридаги фикрларни қўллаб-қувватлаган ҳолда. — Бунинг учун ҳар бир мутахассисга зарур иш жойи ва шароит яратилиши зарур. Юртбошимизнинг касаначиликни ривожлантиришга доир фармони ижросини таъминлаш доирасида махсус дастур қабул қилганмиз. Унда, фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик масалалари белгиланган. Мутахассисларни танлашда улар тавсиясига та-

янамиз. Умуман олганда, корхонамиз томонидан аҳолини иш билан таъминлаш, фуқаролар йиғинларини ривожлантириш борасида яхши таъриба тўплаган. Мазкур ишларни бажариш учун компания ҳар йили 100 миллион сўм атрофида маблағ ажратади. Биргина жорий йилнинг ўзида касаначилик фаолиятини юргитиш истагидаги аёлларга 6 та тикув машинаси олиб берилади.

— Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш мақсадида корхоналарнинг улар атрофидаги маҳаллаалар билан ҳамкорликларини йўлга қўйиш тўғрисидаги фикрларни мен ҳам қувватлайман, — дея суҳбатга қўшиди Тошкент шаҳар «Чиватой-Оқтепа» маҳалласи раиси Хайрулла Мўминов. — Биргина мисол. Маҳалламиз ҳудудда шифохона бор. Шифохонага кир ювадиган ҳодим зарур экан. Маҳалламиздаги кўп болали бир оила бекасига кир ювиш машинаси олиб бердик-да, шифохона билан шартнома имзоладик. Шу шартнома асосида уйда шифохонада ишлатиладиган чойшаб ва кийимларни ювиб беради. Шифохона унга маош тўлайди, меҳнат дафтарчаси очилган. Хуллас, маҳаллаалар ўз ҳудудларидаги корхоналар билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйса, иш ўринлари топиш, аҳолини иш билан таъминлаш кийин бўлмайди.

Давра суҳбатида қатнашган бошқа фуқаролар йиғинлари раислари ҳам маҳаллада оилавий бизнесни ривожлантиришдаги таъриба ва тақлифлари билан ўртоқлашди. Маҳаллаалар оқсоқолари суҳбат жараёнида тадбирда иштирок этаётган солиқ тизими мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган масалалар, хусусан, маҳаллада фаолият кўрсатаётган тадбиркорларини солиққа тортиш борасидаги саволларига жавоб олишди.

Давра суҳбатини «Mahalla» мухбирлари Б.ЭГАМҚУЛОВ ва Ҳ.АБДУЛЛАЕВ ёзиб олди.

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

Оролбўйида ҳовли тўйлари

< [1]

Кегейли туманидаги «Қизил уй» овулида минтақанинг географик жойлашуви, табиий иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда «Қишлоққурилишлойиҳа» институти томонидан тавсия этилган намунавий лойиҳа асосида икки қаватли, 6 хонали 8 та ҳамда бир қаватли, тўрт хонали 12 та тураржой қурилиб, янги уйларнинг қалинлиги ўз эгаларига топирилади.

— Бу уйларнинг ҳар жиҳатдан кўркам ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратилади, — дейди қурувчи Талъат Бўтаев. — Янги посёлкада бир миллион 191 миллион сўмлик қуриш-монтаж ишлари бажарилади. Асосан маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаландик. Деворбоп материал ишлаб чиқарувчи фишт заводлари, «Қизилқум цемент», «Қорақалпоқ иккиламчи қора металл» ҳамда Тошкентдаги қурув ишлаб чиқариш корхонала-

ри маъсулотлари ўз вақтида етказиб берилгани қурилиш ишларининг юқори сифати ва тез фурсатда амалга оширилишини таъминлади.

Овулда пишиқ фишт ва бошқа замонавий қурилиш материалларидан бунёд этилган ҳар бир уй учун алоҳида иситиш тизими яратилди ва замонавий иситиш ускуналари ўрнатилди. Табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви тармоқлари тортиди. Шаҳардагидан қолишмайдиган барча имкониятлар ва ҳар жиҳатдан мукамал меъморий ечимга эга ошхона, меҳмонхона, катталар ва болалар хоналаридан иборат замонавий уйлардан уларга кўчиб ўтган оилаларнинг кўнгли тўймоқда.

— Овулимизда бундай замонавий, барча қулайликларга эга уйларнинг қурилиши бизни жуда хурсанд қилди, — дейди янги уй соҳибни Ашшер Айтимбетов. — Янги уйлар имтиёзли кредит асосида биз каби ёш оилаларга бе-

риладигани Президентимиз томонидан ҳақимизга кўрсатилган улкан ғам-хўрликнинг амалий ифодасидир. Қурувчилардан 2 қаватли уйнинг қалинини қабул қилиб олар эканмиз, уларнинг бекамукўст ишларидан мамнун бўдик.

Нукус туманидаги «Узункўл» овулида «Қорақалпоқтаъмир» масъулияти чекланган жамиятининг 1-қуришни бошқармаси томонидан бунёд этилаётган 20 та ана шундай тураржой ҳам фойдаланишга топирилади.

Оролбўйида жорий йилда намунавий лойиҳа асосида яна 310 та ана шундай уй-жой қурилиши жадал суръатларда олиб борилаётган.

Янги уй-жойлар топирилиши муносабати билан мазкур овуларда бўлиб ўтган учрашуларда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев иштирок этди.

Аминбой ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

Андижон вилояти Марҳамат тумани «Қорақўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида бирор хунар билан шуғулланмайдиган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган хонадонни топиш қийин. Айниқса, қишлоқ аёллари ўртасида рўмол тўқиш оммалашган. Махсулот учун зарур хомашё асосан Наманган ҳамда Тошкент вилоятларидаги чорвачилик хўжаликларидан келтирилади.

Қорақўрғонлик аёллар уй шароитида махсус дастгоҳлар ёрдамида ип йиғириб, бежирим рўмоллар тайёрламоқда. Эндиликда моҳир тўқувчилар бозор талабларини ўрганган ҳолда нимча тайёрлашни ҳам йўлга қўйдилар.

СУРАТДА: Марҳамат тумани «Қорақўрғон» маҳалласида яшовчи рўмол тўқувчи аёл Муҳлисaxon Каримова махсулот сифатидан мамнун.



ФАОЛИЯТДАГИ ФАОЛЛАРИМИЗ

Барча сазъ-ҳаракатларимиз ёшлар камолотига қаратилган

Баркамол авлод — жамият тараққиётининг асосидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, баркамол авлод деганда, аввало, жисмонан бақувват, имон-эътиқоди бутун, билимми, маънавияти юксак, ватанпарвар авлод кўз олдимизда гавдаланади. Бундай камол ёшлар тарбия маскани бўлиши маҳаллада улаймоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини бўлинишимиз ва ҳудуддаги фуқаролар йиғинлари мутасаддилари, маҳалла фаоллари ниҳоятда кутаринки руҳда кўти олишди. Ахир, ўсиб келаётган авлод тақдирига ғамхўрлик ва эътибор замирида келажакка ишонч туйғуси ётибди.

Давлат дастурига мувофиқ, бўлинишимиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олди. Хусусан, аёлларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаб, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ҳуқуқий, ижтимоий, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш борасида аниқ вазифалар белгиланди. Қолаверса, бу вазифаларнинг ижроси, ҳаражатлар миқдори ҳам пухта кўриб чиқилди.

Уттан давр мобайнида жамғарма ташаббуси билан дастур доирасида ҳамкор ташкилотлар кўмаги ва тасдиқланган келишувлар асосида шаҳардаги «Олтин водий», «Турон», «Баҳор», «Ҳумо», «Лочин», «Меъмор» маҳалла фуқаролар йиғинларида «Соғлом оила — соғлом бола» мавзусида ўйлаб очик мулоқот ва учрашувлар ташкил этилди. Уларда кенг жамоатчиликка, ёшлар ва ёш оилаларга баркамол авлоднинг маънавий етуқ, соғлом ва бақувват бўлиши, энг аввало, оналар саломатлигига боғлиқлиги мустаҳкам бўлишидан батафсил тушунтирилди. Жамғарма, иш режасига мувофиқ,



2010 йилнинг иккинчи чорагида «Соғлом оила — соғлом бола» акциясини ўтказишни режалаштирганмиз. Ушбу тадбирга кўпроқ ёш оилаларни тақлиф этиш кўзда тутилмоқда.

Чиндан ҳам, ёш оилалар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият пойдевори шунчалик қудратли бўлади. Шу мақсадда дастур доирасида ёш оилалар турмуш шароитларини ўрганиш юзасидан мониторинг ўтказиш бўйича 30 та фуқаролар йиғинига тақлиф киритилди. Мониторингнинг мақсади ва вазифалари тушунтирилди.

Сазъ-ҳаракатларимиз натижасида уйда вақтинча ишламаётган, бола тарбияси билан банд бўлган, кам таъминланган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига жорий йилнинг ўтган даврида ўн миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Кам таъминланган оилалар фар-

задларининг тўйлари ва оилавий байрам тантаналарини нишонлаб бериш ҳам кун тартибидagi муҳим масалалардан.

«Ватан», «Зарафшон», «Янгибод» маҳалла фуқаролар йиғинларида ёш оилалар ўртасида қадим анъана ва урф-одатларимизни тартиб этишга бағишланган тадбирлар уюштирилди. Баҳс-мунозараларда оиланинг муқаддаслиги, аждоғлар меросини асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлиги тақдор-тақдор тилга олинмоқда.

Шиддаткор давр тараққиётнинг энг юксак намуналарини ҳаётимизга олиб кириш билан бирга, турли маънавий хуруж ва таҳдидлардан ҳам холи эмас. Қадриятларимизга ёт бўлган баъзи салбий ингаллар ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилмаётган. Шу сабабли, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини

қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик ингалларидан ҳимоя қилишда маҳалла биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатиши лозим. «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла», деб бежизга айтишмаган, ахир.

Уйлайманки, Баркамол авлод йилида маҳаллалар зиммасидаги масъулият яна бир чандон ортди. Бу йилда ҳар бир қорхона, ташкилот, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг бераз кўмаги, ҳамкорлигини ёшлар камолотига йўналтириш алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, баркамол авлод тақдирини ва тарбияси ҳар биримиздан чин маънодаги фидойиликни талаб қиламоқда.

Рустам АРЗИЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг
Навоий шаҳар бўлиниши
бошқаруви раиси.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ҲАЗИНАСИ

Ҳар қарич ер даромаднинг калитидир

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли томорқаларидан унуми фойдаланиш ва томорқа эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Томорқаларда етиштирилаётган сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум маҳсулотлари аҳоли турмуши фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда, мамлакатимиз ички бозорларига сифатли ва арзон маҳсулотлар етказиб беришда асосий ўрни эгалламоқда.

Жорий йил бошидан Қува туманида ҳам бу борада ибратли ишлар амалга ошириб келинаётган. Дарвоқе, Қуванинг анорзорларию, мевали боғлари ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди. Бугун қуवालлик боғбонлар томонидан етиштирилаётган мевали қўчатлар нафақат мамлакатимизда, балки ишбилармонлар томонидан кўшни республикаларга, ҳатто хоржий давлатларга ҳам етказиб берилмоқда. Экин майдонларида кўшма ҳисобда қўчат сотиб олишлари учун тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилмоқда. Экин майдонларида етиштирилаётган маҳсулотларнинг парваришида агротехник қондаларига тўғри амал қилиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бир фермер хўжалиги ҳамда маҳаллаларда жамоатчилик назорати ўрнатилган. Тумандаги 48 та қишлоқ, 12 та шаҳарча маҳалла фуқаролар йиғинларининг зиммаларига ҳам юқоридаги вазифалар юкланган. Бугунги кунда ҳар бир оила яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган

ҳолда, ўзларига тегишли ер участкаларида етиштирилган маҳсулотларни ўз эҳтиёжларидан ташқари бозорга ҳам олиб чиқиб сотмоқдалар. Бундан кўриниб турибдики, фуқароларимизнинг маданий ва маънавий салоҳияти ошиши билан бир қаторда, уларда деҳқончиликнинг янгича маданияти шаклланиб бормоқда.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Қувада айрим оилалар ўзларига тегишли томорқадан йилга 40-50 миллион сўм атрофида даромад олмақдалар. Хусусан, «Раста» маҳалласи фуқаролари Нўрмоҳон Усмонов, Аробойи Ҳайитбоев, «Қува» маҳалласида яшовчи Ҳамидхон Рустамов, Ҳабибхон Юнусалиева, «Тошкент» маҳалласидан Абдуғаффор Ходиев, Акмалхон Ҳасанов ўзларига тегишли бўлган иссиқхоналардан жорий йилнинг январь ва февраль ойларида икки миллион сўмдан даромад олганлар. Бундан ташқари, «Қува» маҳалласида яшовчи Юсуфжон Қозоқовнинг уйда икки минг бош, «Тошкент» маҳалласидаги яна бир оила 350 бош товуқ боқиб, туман бозорини арзон тухум билан таъминлаб келаётганини фахр билан тилга олмақ керак.

Яна бир ташаббус. Тумандаги «Галаба» маҳалласи фуқаролар йиғини ҳудудда 8 та уй-жой мулкдорлари ширкатларида қарашли 39 та кўп қаватли уй бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз ҳудуддаги очик майдонлар ва экинга мўлжалланган жойларни ўрганиб чиқди. Ҳатто биринчи қаватларда яшовчиларнинг (балкон) айвончаси олдидagi кичик майдончалар ҳам ҳисобга олинди, бу ерларда зиравор экинлар етиштириш режаси тузилиб, туман ҳокимлигига етказилди. Зеро, томорқа ҳар бир хонадоннинг қўшимча даромад манбаидир.

Р.ҚОДИРОВ,
Қува туманидаги «Галаба» маҳалласи
фуқаролар йиғини раиси.

ОҚСОҚОЛНИНГ БИР КУНИ

Ўнқўрғонда ўнта кўча бор

уларнинг барчаси тоза, озода ва саришта туради

«ХАЙРАЛИ ишларга хайрихоҳлик маҳалладошларимизга хос фазилат. Ёшларимиз ҳам эзгу мақсадлар сари кўпни кўрган, ёши улуг инсонлар ортидан эргашаётгани кўришарми», дея тўққинчи тадбирда Ўнқўрғон қишлоғидаги «Ўнқўрғон-1» маҳалласи оқсоқоли Ақром Кенжаев.

Дарҳақиқат, раиснинг гапида жон бор. Негаки, инсон қалбида хайрихоҳлик, ташаббускорлик, ҳамжихатлик каби эзгу фазилатлар, аввало, оилада, маҳаллада шаклланади. Бундай соғлом маънавий муҳитда камол топган инсон эса кези келиб, албатта, хайри ишларнинг бошини тутадиган, аҳоли манфаати йўлида елб-югурадиган, туғилиб ўсган она-Ватани, қишлоғи, маҳалласи тақдирини ва тараққиётини учун жон куйдирадиган маънавиятли, маърифатли инсонлар бўлиб етишади.

Тошкент вилояти Қирай туманида жойлашган бу мўъжаз гўшага ташриф бурар экансиз, табиатнинг мусофаллиги, кўчалар, атроф-муҳит озодлигидан баҳридилмингиз очилади. Оқсоқол А. Кенжаев бошчилигида маҳалла гузари курилиши ниҳоятда етказилмоқда.

— Аҳилликда гап кўп, — дейди раис таъмирланаётган мажмуага боқиб. — Маҳалла аҳли ўртасида аҳиллик ва бирдамлик бўлмаса, бирор хайри ишнинг удрасидан чиқши мушкул. Шукрки, бизнинг маҳалладошларимиз эзгу амалларда ташаббускор, тартибда эса етакчи. Бунинг ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик, тарғибот-ташвиқот ишларидан ҳам билиш мумкин.

— Маҳалламиз 10 та кўчадан иборат, — дея сўзбегимизга кўшадди фаоллардан бири Карим Пулатов. — Кўнгли пок ўнқўрғонликлар тозалик, озодлик, саранжом-сариллаликни хуш кўришади. Шу боис, биз учун ҳар шанба ободонлаштириш, кўкчаларнинг тозаланиши кунини ҳисобланади. Ўша кунини ҳар бир хонадондан 3-4 нафар киши гузарга чиқиб, оқсоқол А. Кенжаев бошчилигида кўчаларни тартибга келтиришади. Ариқлар тозаланиб, чиққидилар олиб чиқиб ташланади. Шохиди бўлиб турганингиздай, бутун ҳам й. Охунбоев номидagi кўча ва унинг ён-

атрофи ободонлаштирилаётган.

Ҳа, бир неча йил илгари маҳалла фаоллари сазъ-ҳаракатлари туфайли мавжуд 540 та хонадонга табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси олиб келинди. Фаоллар сазъ-ҳаракати билан Й. Охунбоев, Лимонзор, Навоий, Октепа, Каттабоб каби 10 та кўчага асфальт ётқизи-лди, атрофига турли мевали дарахт ва манзарали гул кўчатлари ўтказилди.

Ҳар қандай эзгу мақсади тадбир ҳамкор ташкилотлар кўмагида амалга оширилса, кўзланган мақсадларга эришиш мумкин. Аҳоли жипслиги, ҳамфикрлиги ва ҳамжихатлиги эса ҳамкорликдаги ишлар муваффақиятининг асосини ташкил этади. Бу икки муҳим омил йиғин фаоллари, ташкилот мутасаддиларининг доимий эътиборида бўлса, гўшаларимиз янада обод бўлиб, юртимиз тараққиётга юз тутаверади.

— Ҳомий ташкилотлар ҳақида гап кетганда, «Йул қурилиш бошқармаси» мутасаддиларининг кўмагини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим, — дея фикримизни маъқуллади масъул котиб Абдуҷалол Нишонов. — Ушбу ташкилот ходимлари ва йиғинимиз фаоллари ташаббуси билан Й. Охунбоев кўчасига асфальт ётқизилди.

Келгусида қишлоқ ва ундаги маҳаллалар ҳаётини яхшилаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида тинч-тинчмайидиган ташкилот ходимлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда Октепа, Узумзор каби қатор кўчаларга шағал ётқизиш, асфальтлаш ишларини режалаштирган.

Маҳалла оқсоқоли айни пайтда маҳалла трансформатор ускунасини ўрнатиш, шунингдек, ёриттич мосламаларини янгилаш чора-тадбирлари устида бош котираётган. Унинг бундай ташаббуси тинч-тинч ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланган, аҳоли фаровонлиги йўлида бошланган сазъ-ҳаракатлар кези келиб ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Ҳозир янги ёриттичлар ўрнатиш учун 9 та симёроқ ва шунга етарли электр симлари олиб кўйилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

ОБОД ГЎШАЛАР

«Ишчилар»даги ибратли ишлар

БУГУНГИ кунда киноликлар юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилишаётган. Хусусан, Чиноздаги «Ишчилар» шаҳарчаси аҳлининг меҳмондўстлиги, яратувчанлик ва бунёдкорликка иштиёқи баланглигининг ҳавас қилса аргизулик жиҳатлари кўп.

— Шаҳарчамизда 556 та хонадон бўлиб, аҳоли сони 2236 нафарни ташкил қилади, — дейди «Ишчилар» шаҳарчаси маҳалла фуқаролар йиғини раиси Матлуба Исқандарова. — Худудимизда турли миллат вакиллари иноқ яша-шади. Масканимиздаги 38 та кам таъминланган оила доимий эътиборимизда. Тумандаги тадбиркорлар ҳамда электр тармоқлари бўлими, туман сурғута тизими, давлат соҳиб инспекциясининг туман бўлими ҳомийлигида кўмакка эҳтиёжманд оилаларга ёрдам бериб

келаямиз. Маҳалламиз фаоллари юзага келган ҳар қандай муаммони ижобий ҳал қилишда ҳамма камарбаста.

«Ишчилар» шаҳарчасида тадбиркорлик ишлари ҳам ривож топиб, аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланмоқда. Жўмладан, ўтган йили маҳалланинг тадбиркорлари касаначиликни йўлга қўйдилар. Натижада шаҳарчадаги кўлаб ёшлар иш билан таъминландилар. Тадбиркорлардан Ҳимоя Пирматов ва қандолатчилик билан шуғулланади. Унинг ҳеҳида тайёрланаётган пишириқлар, ширинликларга «Ишчилар» шаҳарчасида харидорлар кўп. Яна бир тадбиркор Дилфуза Ниёзова эса тикувчилик ҳеҳи ташкил этиб, шаҳарча аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

Теварак-атрофини кўкчаларозлаштириш мақсадида шаҳарча миқёсида бу йил 500 га қадар манзарали дарахт, 20 дан зиёд арча нави, 4 мингга яқин гул кўча-



Даврон АХМАД олган сурат.

ти экилди. Зеро, ўз гўшасини обод этишга бел болаган, фарзандари камолоти йўлида фидойилик кўрсатаётган, ёрдамга муҳтожлар кўнглини шод этаётган эл-

нинг турмуш тарзи ҳам, яшаш манзилари каби ҳамма фаровон ва гўзал бўлажак.

Гўзал НОРЧАЕВА.

САРДОР МАҲОРАТИ

Хушёрлик панд бермади

Ўша кунини маҳалладаги ҳар бир хонадон байрам оғушида эди. Ҳамма янги йилни кутиб олиш билан овора. Кимдир фарзандлари билан кўча айланиб, яқинларининг уйига Қорбобо кийимиди ташриф буюраётган бўлса, кимдир тўқин дастурхон атрофида... Байрам тунда кўча, хонадонлар тинчлигини кузатиш учун айланган юрган Фулом Намозовнинг кўзи дераза ойналарини синиб, буюмлари остин-устун бўлиб ётган савдо дўконига тушди. Демак, дўконга ўғри тушган! У дўкон эгасига хабар беришга шўшилаб бораётган, йўлда дўкондан ўғирланиб, тушириб қолдирилган айрим нарсаларни кўриб қолди. Демак, ўғри шу ёқда кетган. Йўлда тушиб қолган буюмлар уни тўпатуғри ичкиликбозликка берилган фуқаронинг уйи томон элта бошлади... Маҳалла сардорининг сезгирлиги, хушёрлиги сабабли 20 дақиқада жиноят содир этган шахс далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Навоий шаҳридаги «Ўзбекистон» ма-

ҳалласи сардори Фулом Намозов хизмат фаолиятини Навоий шаҳар ИИБ хузуридаги қўриқлаш бўлими милиция ходими сифатида бошлаган. Кейинчалик Навоий шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш хизмати профилактика бўлимасининг вояга етмаганлар иши бўйича инспекцияси бошлиғи лавозимида ишлади. Бу даврда намунали хизмати учун раҳбарият томонидан бир неча марта рағбатлантирилди. Бирок маълум бир вақт ўтгач, соғамти туфайли нафақага чиқишга мажбур бўлди.

Шундай бўлса-да, ўзи истикомат қилаётган «Ўзбекистон» маҳалласи фуқаролар йиғинида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори вазифасини бажариб келади. Бурчига садоқати, инсонларнинг меҳри уни яна ҳаётга қайтарди. Аввало, маҳалла ҳудудига яшовчи аҳолининг ижтимоий келиб чиқишини, меҳнат фаолиятини, оила аъзоларининг қандай иш билан машғуллигини, яшаш тарзини ва молиявий аҳволига пухта ўрганди. Ишга эрта кетиб, кеч қайтса-да, тунда ҳам тинчгина ором олмас, эртанги кун режасини

тузар, яқин-орада маҳалласига кўчиб келган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришга ёрдам беришни ўйларди.

Ахир, маҳалланинг тинчлиги ва осойишталигига асосан у масъул. Бунинг у доимо ҳис этиб яшайди.

— Бугунги кунда маҳалламизда 5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Марзия Худоевора. — Аҳолининг 25 фоизини 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шу боис, маҳалла ёшлари ўртасида назорат ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, одам савдосига қарши курашиш, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка барҳам бериш борасида қатор маънавий-маърифий ва ҳуқуқий йўналишдаги тадбирларни ўтказиб боришда сардоримиз Ф.Намозовнинг хизмати катта бўлмоқда. Маскур ишларда унинг ички ишлар, прокуратура, ҳақ таълими ходимлари билан ҳамкорлигини яхши йўлга қўйгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, инсон қайси лавозимда хизмат қилишдан қатъи назар ўзи, оиласи, юрши-туриши, билими ва ибратли фаолияти билан бошқалардан ажралиб турмас экан, фуқароларни ўз орқасидан эргаштиришга омайди. Сардор Ф.Намозов маҳаллада бу борада ҳурмат-эътиборга сазовор инсон. Ўзи узок йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилиб, катта тажрибага эга бўлгани боис, жамоат тартибини сақлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳамма фаол иш олиб боради. Ҳуқуқбузарликка мойил шахсларни аниқлаб, уларни жиноят қўчасидан қайтаришга эришгани туфайли маҳаллада ножаъ хатти-ҳаракатлар йилдан йилга камайиб бормоқда.

Ф.Намозов ўзининг ташаббускорлиги, фидойилиги ва тинч-тинчмаслиги туфайли 2008 йили Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра «Шўхрат» медали билан тақдирланди.

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
«Mahalla» мухбири.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Фойдали ва қизиқарли

Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, баркамол авлод тарбияси, ёшларни турли зарарли ахборотлар хуружидан ҳимоялаш, қолаверса, оилада соғлом турмуш тарзининг қарор топишида маҳалланинг, айниқса, диний маърифат, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчининг ўрни қандай?

Бухорода вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва «Маҳалла» жамғармаси ҳудудий бўлими бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилган «Вилоятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, туман (шаҳар) бўлималари бош мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусига бағишланган ўқув-семинарда юқоридаги саволларга жавоб изланди.

Тадбирда сўзга чиққан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлар бўйича кўмита масъул ходими Миродил Ҳайдаров, вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Гулноза Насриддинова, вилоят прокурори катта ёрдамчиси Муҳиддин Воҳидов юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ахборотлашув жараёни ва маънавий таҳдидлардан ҳимояланиш, вояга етмаган болалар тарбиясида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, мазкур ҳамкорликнинг самаралари ҳусусида гапирди.

Ҳудди шундай икки кунлик ўқув-семинар Навоий вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Иккита ҳудудий гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказилган семинарда вилоятдаги барча туманлардан маслаҳатчилар иштирок этишди.

— Мазкур семинар биз маслаҳатчилар учун ниҳоятда фойдали ва қизиқарли бўлди, — дейди Кармана тумани «Каловот» маҳалласи маслаҳатчиси М.Халимова. — Аҳолининг репродуктив саломатлиги билан боғлиқ муҳим маълумотларга эга бўлганимиз иш фаолиятимизда, айниқса, асқадим деб ўйлайман.

Бундан ташқари, семинарда вилоятда фаолият кўрсатиб келаётган 299 нафар маслаҳатчи ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Жиззаҳда бўлиб ўтган тадбирда «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Йўлчиева ва «Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини оширишда комиссияларнинг роли» мавзусида маъруза қилди. У ўз сўзида вилоятда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ибратли ишлар ҳусусида батафсил тўхталиб, асосий эътиборни йўл қўйилган камчилик ва мавжуд муаммолар ечимига қаратди.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси М.Ҳасанов, вилоят адлия бошқармаси бошқари ўринбосари Б.Ортиқов, вилоят прокуратураси бўлим прокурори А.Бердиев, вилоят совмикини сақлаш бошқармаси бошқари ўринбосари М.Мустафоев ва бошқаларнинг чиқишларида ижтимоий-иқтисодий муҳитни соғломлаштиришга оид масалалар батафсил таҳлил қилинди.

Шундан сўнг ўқув-семинар қатнашчилари учун очик мулоқот ташкиллаштирилди. Унда маслаҳатчилар томонидан берилган саволларга соҳа ишга тааллуқли бўлган

вилоят ташкилотлари раҳбарлари жавоб берилди. Ишчанилик ва ошкоралик руҳида ўтган мазкур семинар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Термизда ўтган мазкур мавзудати семинари вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Қобулова очиб, вилоят маҳаллаларида 673 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи фаолият юритаётгани, улар томонидан маҳаллаларда, мактабларда, бошқа ўқув масканларида ёшларни юртпарварлик, она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Семинарда сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси ўринбосари Г.Йўлчиева, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси М.Ҳамидова, вилоят адлия бошқармаси ФХД бўлими бошқари Э.Параева, Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакиллари мутахассиси А.Фатхулмаев ва бошқалар баркамол авлод тарбияси, ёшларни турли зарарли оқимлар хуружидан ҳимоялашда маҳалла маслаҳатчилари олдига турган муҳим вазифалар, улар фаолияти самарадорлигини янада такомиллаштириш ҳусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар якунида маслаҳатчилар томонидан берилган барча саволларга жавоб қайтарилиб, уларга тегишли тушунча ва тавсиялар берилди.

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида ҳам маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида икки кунлик ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, республика Хотин-қизлар кўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита ҳамда «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви ҳамкорлигида ўтказилган семинарда прокуратура, адлия, ички ишлар ҳокимлари, имомхатиблар, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этиди. Тадбир қатнашчилари дастлаб Шаҳрисабз шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, хусусан, Оқсарой мажмуаси билан яқиндан танишди.

Бутунги кунда маҳаллалар фаолияти диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан бевосита боғлиқ, жойларда аҳолининг турмуш даражасини оширишда, соғлом турмуш тарзини вужудга келтиришда, ижтимоий, маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни турли мафқуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлашда маҳалла маслаҳатчиларининг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этиди. Вилоятдаги 600 дан зиёд маҳаллада фаолият олиб бораётган маслаҳатчиларнинг салоҳияти ва малакасини янада ошириш, ишларини замон талаблари даражасида ташкил этиш мақсадида ўтказилган семинарда юртимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш борасида фикр юритилди.

Муҳбирларимиз.

Тиббий хизмат такомилли



< [1]

— Тиббиёт масканимизда 8 нафар олий тоифали шифокор аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиклашда беминнат ёрдам кўрсатмоқда, — дейди мазкур врачлик пункти мудирини Муҳайё Турғунова. — Қиш-

М.Турғунованинг айтишича, йиғин мутасаддилари кўмагида беморлар, айниқса, ёш оилаларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича тадбирлар мунтазам йўлга қўйилгани ўз самарасини бераётир. Айрим ҳолларда аёллар ўртасида камқонлик касаллигидан шикоят қилган беморлар ҳам учраб туради. Бундай хасталикларнинг олддини олиш мақсадида ҳар бир хонадонга шифокорлар бириктирилган.

Сўхбатимиз чоғида муассаса шифокорлари касалликларни даволаш билан бирга, асосий эътиборни унинг олддини олиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ҳамда фуқароларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратишга асосий таянч бўлиб қолмоқда. Маҳаллаларга бириктирилган ҳамширалар туман хотин-қизлар кўмитаси, Тиббиёт бирлашмаси, Саломатлик маркази ҳамда йиғин мутасаддилари ҳамкорлигида туғиш ёшидаги аёллар, вояга етмаган ўсмир қизлар ўртасида санитария тарғиботи ва тушунтириш ишларини йўлга қўйишган. Шунингдек, маҳаллаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантиришга қаратилган давра сўхбатлари, очик мулоқотлар ўтказиб борилаётгани натижада ўтган беш йил мобайнида оналар ва болалар ўлими қайда этилмади. Қувонарлиси, туғилажак фарзандлар ҳам, оналар ҳам соғлом, тетик. Бу қишлоқ врачлик пункти ва йиғин мутасаддилари томонидан туғиш ёшидаги аёллар ўртасида олиб борилаётган тарбиёт ишлари натижага, албатта.

Маҳаллаларда беморларга сифатли ёрдам кўрсатишда ҳамшираларнинг хизмати катта. Эътиборлиси, ёш келинлар ўзларини қий-

наётган айрим муаммолар, уй шароитида даволаш мумкин бўлган хасталиклар ҳақида ҳамширалар билан бемалол маслаҳатлашиб, зарур тавсияларни олишади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ҚВПнинг шифокору ҳамширалари ташаббуси билан «Репродуктив саломатлик ва бехатар оналик» мавзусида ўқув-семинарлар ўтказиб боришади.

Соғлом фарзанд — юрт икболи, бахти. Шу боис, аҳоли, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар доимий шифокорлар назоратида. Бу ерда сурункали касалликларга чалинган беморлар патронажини ташкил этиш, оналарда энг кўпи учрайдиган касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш бўйича хизмат кўрсатиш, шунингдек, тиббий маслаҳатлар бериш ва ўрнатилган доимий назорат тўғрисида аҳоли саломатлиги тикланимоқда.

Бундан ташқари, шифо масканининг жонкуяр, фидойи мутахассислари ёш оилаларга фарзандларини ўз вақтида эмлатиш зарурлигини олдидан огоҳлантириш боришади. Маҳаллалардаги кекса отахону онахонлар ҳам ҳамшираларнинг меҳр-муруватидан миннатдор. Бундай сайё-ҳаракатлар ишга бўлган маъсулликни ошириш билан бирга, келгусида келажагимиз вояларига бўлган ёшларнинг ҳам ақдан, ҳам жисмонан етук инсонлар бўлиб камол топишида, кекса нурунийлар эса хонадон файзи бўлиб, фарзандлари ва набираларига бош-қош бўлишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Mahalla» муҳбири.

ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ КОМИССИЯСИ

Назокат ва қатъият билан

Кайнонаси билан муроса қиломай, уч йилдан буюн араблар, отасиникига кетиб қолган келин Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси ара-лашуви тўғрисида яна уйига қайтди. Ростки, Чустнинг Каркидон қишлоғидан келган бу хабарни эшитганимизда дастлаб бироз муболаға борга ўхшайди. Ахир, оранд уч йил ўтган. Қолаверса, бу йиллар ичида оилани яраштиришга ҳаракат қилмаган биронта мутасадди қолмаган бўлса керак. Нахотки айнан Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аралашгандан кейингина, оила тикланган бўлса!

Каркидоннинг фаол аёлларидан бири, қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Матлуба опа Қурбонова билан сўхбатлашганимизда савола ҳолати қолмади. Опанинг дадма-дадма гапларидан аёлларга хос зийрак, бой ҳаётий тажрибага эгалиги билиниб турарди.

— Бизда тўртта маҳалла фуқаролар йиғини бор, — дейди Матлуба опа сўхбатимиз асосида. — Аҳолимизнинг ярмидан кўпи, аниқроғи 5 мингдан зиёди қизимни уйимга олиб кетиб қарасам сизга ёрдам бўлса, дейман, деб нуқул мени суварди. Дори-дармон олиш керак бўлса ҳам, сизларга овирлик тушмасин, бир гал сизлар олинганлар, бир сафар биз оламиз, деб бизга овирлик туширишни хоҳламамиз. Кейинги пайтларда даволашганимиз учун қон босимим тез-тез кўтарилиб, соғлимим паңд берарди. Бир ой олдин уйда ўтирсам, ўғлим биргалай дори-дармон ва касалхонага ётқи-зиш учун ордер кўтариб келди.

Мен унга шу пайтда бунча чиқим

маган. Хотин-қизлар билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этишга аралашамиз. Ҳозир асосий эътиборни аҳоли ўртасида репродуктив саломатлиги мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва маънавий баркамол авлоднинг шакллантириш йўналишидаги ишларга қаратганимиз. Шу йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар кенгашининг бевосита сайё-ҳаракати билан ҳудудимизда истиқомат қилаётган 2780 нафар туғиш ёшидаги аёлни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказдик. Бунинг учун Каркидон қишлоқ врачлик пунктида барча шароитлар яратилиб, туман марказидан малакали тиббиёт ходимлари таклиф этилди. Натижада, қишлоғимиз аёллари узоққа бориб ўтирмай, ортиқча сарсонгарчиликларсиз тиббий кўриқдан ўтдилар. Яна бир йўналишимиз тўй-маъракаларни тартибга солиш бўйича, — дея сўзини давом эттирди сўхбатдошимиз. — Турғини айтсам, қишлоқ жой бўлгани учун яқин-яқингача биздаги тўйлар 4-5 кунлаб давом этарди. Ҳаттоки шароити етарли бўлмаганлар ҳам маҳалла-қўй олдига улаиб қолмай, деган нурун аянчида билан қарз-хавола қилиб бўлса ҳам, барча расм-русумларни ўтказишга интиларди. Ҳар бир маҳалладан кўпчиликка гали ўтадиган, кўпчи кўрган аёлларни олиб, энг аввало, ўзига тўқ оилаларда тушунтириш ишларини олиб боришди. Тўй бошланган оилага битта вакилимиз бириктирилади. Бу вакил тўйда ортиқча расм-русумларга йўл қўймайди. Айримларини ихчамлаштирдик. «Ота қақирди», «Чорлади» каби айрим маросимлар бекор қилинди. Натижада бутун қишлоғимиз тўйлари узви билан бир, бир ярим

кунда ўтмоқда.

— Матлуба опа Қурбонова бу жаби мисолиларни кўйлаб келтирмоқчи эди. Сўхбат мавзунини ўзгартириб, комиссия иши қайси маҳаллада намунали йўлга қўйилгани билан қизиқдик.

— «Кўктош» маҳалласида, — деди опа ҳеч иккинланмай, — Шу маҳалла маслаҳатчиси, комиссия раиси Саодат опа Қодирова барчамизга ибрат бўлмоқда. У кишининг нафақат иш юритишлари, балки кўпчилик олдига ўзларини тутишларию хатти-ҳаракатларидан ҳам ўрнак оламиз.

Опа билан учрашиб насиб этмади. Саодат Қодирова «Кўктош» маҳалласидан 12 нафар фаол аёлга, намунали қайнанаю келинлардан ибрат гуруҳга бош бўлиб, Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари зиёратига кетган экан. Табиийки, юқоридаги таъриф тавсифлар бехуда эмаслигига ишондик.

Хайрлилар чони Матлуба Қурбоновдан мақоламинг бошидаги воқеа — уч йилда қайнанаи уйига қайтган келин ҳақида сўрадик.

— Очғин, бу оилани яраштириш осон бўлмади. Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари аралашиб ҳам битиролмаган ишга киришилган олдин бироз иккинландим. Лекин, на-чора, шундайгина ташлаб қўйиб бўлмасди. Ахир, ўртада фарзанд бор. Қайсар қайнана олдига уч-тўрт марта қатнаб, қайта ва қайта сўхбатлашганимдан кейин келиннинг қай-тиб келишига розилик берди. Ҳозир яхши яшашпти, кўз тегмасин. Ҳаттоки, келинда хушхабар ҳам бор. Янги фарзанд тўйида ҳам ўзимиз бош бўлсак ажабмас.

Жамшид БЕК, «Mahalla» муҳбири.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ

Зеваржон моҳир чевар

ШОБОТ туманининг «Дўстлик» маҳалласи аҳли тадбиркор Зеваржон Полвоновани ҳурмат билан тилга олади. Моҳир чеварлиги, камтарлиги, доимо атрофидоғларга яхшилик соғиноб яшаши тўғрисида опа эл меҳрини қозонган. Уйда тикиш-бичиш билан шуғулланиб, маҳалла аҳлининг қорига яраб юрган Зеваржон опанинг олдида бир кун «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Пўлат Султонов ва маслаҳатчи Феруза Нурматовалар келишди.

— Зеваржон, олдизига маслаҳатчи бир иш билан келдик, — деб гап бошлади Пўлат ака. — Қўлингизда гуздай хунарингиз бор, элга нафитиз тегиб турибди, минг раҳмат, аммо шу савобли ишингизни янада кенгайтирсанг, деганди. Бир кичик корхона очсангиз, маҳалла қиз-жувоналари ҳам иш билан таъминланарди, ҳам хунари бўлишарди.

Зеваржон опа уларга бу ҳақда ўйлаб юрганни, аммо корхона очилишинг ўзи бўлмаслигини айтди:

— Ишчиларни моддий таъминлаш, тикув дастхонларини кўпайтириш дегандай... Ахир, буларга маблағини...

— Бу ёғини бизга қўйиб беринг, сиз қиз-жувоналарни хунари қилиб, уларга касб сир-асрорларини ўргатсангиз бас, — дея унинг гапини бўлди Пўлат ака.

Шундан сўнг ишлар ўз-ўзидан юришиб кетди. «Зилола — 95» корхонаси ташкил этилиб, туман бандликка кўмаклашув марказидан уч йил муддатта олинган ўн миллион сўмлик кредитга энг замонавий тикув дастхонлари келтирилди. Айни пайтда бу ерда маҳалланинг етти нафар қиз-жувони иш билан банд.

Зеваржон опа доим янгиликка интилиб яшайдиган инсонлардан. Айниқса, келинлар учун тўй либослари тикишни жорий этдию, опанинг харидорлари чақон ортиб кетди. Тўғри-да, бир кунлик тўй учун фалон пулга қўйлаб олиш тўй соҳибларига қийинлигини ёшлар доим ўйлайвермайди. Зеваржон опанинг миллий қадриятларимиз асосидаги ва замонавий кўринишдаги бир-бирдан кўркам тўй либослари барча қизларнинг дидига мос тушди. Нарҳини арзонлигини айтмайсизми. Айни пайтда вилоятдаги кўлаб тўй либослари салонлари «Зилола — 95» корхонаси билан янги-янги шартномалар имзолашмоқдаки, бунинг натижасида Зеваржон опа яратган либослар бутун воҳа келинчаларининг хуснига деб бўлмоқда.

«Зилола — 95»нинг фаолият юри-таётганига унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, эришяётган ютуқлари талайгина. «Ташаббус — 2009», «Ташаббус — 2010» ташаббусларида туманда биринчи, вилоятда фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Опа тумандаги «Хунарманд» аёллар уюшмасининг фаол аъзоси.

Юдуз ҲОЖИЕВА, «Mahalla» муҳбири. Хоразм вилояти.

МАСЛАҲАТЧИ МИНБАРИ

Қудачилик — минг йилчилик

Кайси кун ийғида бўлиб, бир аёлнинг ўз қудаси, келини ҳақида тўлиб-тошиб айтган гапларини эшитиб, қайнана-келин ўртасида шакланган бундай ўзаро ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик кўпчиликка ибрат бўлар, деган умидда уни эътиборингизга ҳавола этишни лозим тойдим.

«Оилада кўпчиликми. Турмуш ўртоғим вафот этганига 5 йил бўлди. Фарзандларим ҳаммаси ишли. Бировдан олдин, бировдан кейин, борига шукр қилиб яшаб келямиз. Уч йил аввал ўғлимни уйлантирдим. Яратганга беҳисоб шукрки, набиралар ҳам бўлдим. Халқимизда: «Онасини кўриб, қизини ол», деган ҳикмат бежиз ай-

тилмаган экан. Келинимнинг онаси — удаабурон, доно, зийрак аёл. Ширинсўз қизи ҳам хонадонимизга келин бўлиб келгач, оиламизни гуллаб-яшнади, рўзгорга қут-барака кирди. Уни келиниммас, ўз қизимдай кўраман. У нафақат оиламиздагиларни, балки қавму қариндошларимизнинг иззат-ҳурматини ҳам жойига қўяди. Қизининг тиниб-тинчиб, туп қўйиб палак ёзишида асосий омил — унинг фаҳм-фаросати ва ширин сўзи. Рўзгор ўз номи билан рўзгор. Шу пайтгача келинимнинг бирор нарсасдан нолиб, шикоят қилганини эшитмадим. Борига қаноат қилиб, оилани ширинлигига қўйишди.

Жарроҳлик йўли билан кўзи ёриди. Фарзандини оёқда турғизишга анча

қийнади. Дори-дармон, парҳезларнинг ўзи бўлмади. Қудамнинг бирор марта қаттиқ гапларини, пичинг-кесатикларини эшитмадим. «Қуда, сиз ишлайсиз, мен уйданман, агар рози бўлсангиз, қизимни уйимга олиб кетиб қарасам сизга ёрдам бўлса, дейман», деб нуқул мени суварди. Дори-дармон олиш керак бўлса ҳам, сизларга овирлик тушмасин, бир гал сизлар олинганлар, бир сафар биз оламиз, деб бизга овирлик туширишни хоҳламамиз. Кейинги пайтларда даволашганимиз учун қон босимим тез-тез кўтарилиб, соғлимим паңд берарди. Бир ой олдин уйда ўтирсам, ўғлим биргалай дори-дармон ва касалхонага ётқи-зиш учун ордер кўтариб келди.

Мен унга шу пайтда бунча чиқим

шартидми, десам, келиним: «Ойижон, қиз билан овора бўлиб, ўзингизга қарай олмадингиз, бизга сизнинг соғлигингиз керак. Сизсиз бизга ҳеч нима татимайди. Сиз ҳеч нарса ни ўйламай, даволанинг», деди. Унинг гаплари, меҳрибонлиги унга бўлган меҳримни янада оширди. Кўзимга ёш келди. «Илоҳим, тупроқ осангиз олтин бўлсин, қўша қаринглар», дея дуо қилдим. Шунда ўғлим: «Ойижон, мени эмас, келинимгизни дуо қилинг, бу фикр келинимгиздан чиқ-ди», дея турмуш ўртоғига юзланди. Мен ўғлимга шундай жуфт ато этган Аллоҳга, шундай фаросатли қизни вояга етказган ота-онасига ҳамду сано-лар айтдим.

Бу аёлнинг гапларини эшитиб, тўқилганим кетдим.

Ҳа, оила — муқаддас даргоҳ, мустаҳкам қўрғон. Бу қўрғоннинг мустаҳкамлиги, бардавомлиги ўша оила салтанатининг бошлғи — отага, унинг кўмакчиси — онага боғлиқ. Ҳар бир оиланинг ўз муҳити, ташвиши, тўрт оловор ошиб кўчага чиқмайдиган сирлари бор. Бу бир томондан қуда-анда-лар ўртасидаги меҳр ришталарининг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Халқимизда: «Қудачилик — минг йилчилик», деган нақл бежиз айтилмаган.

Гулҷебра КАРИМОВА, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласи маслаҳатчиси.

< [1]

Халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ўсмирлар ўртасида бадий гимнастика бўйича Осиё чемпиони Азиза Мамажонов ва 1995 йили туғилган. Истеъдодли гимнастикачи саккиз ёшдан тажрибали мутахассислар Аная Малкина, Лилия Власова ва Татьяна Роговаядан бадий гимнастика сир-асрорларини ўрганиб келмоқда.

— Бадий гимнастика бўйича илк мартаба 2003 йилда ўтказилган мусобақада қатнашган эдим, — дейди Азиза. — Уч йил давомида республика миқёсидаги турнирларда маҳоратимни оширдим ва 2006 йилда Тошкент шаҳри биринчилигида ғолиб чиқдим. Шу йил Мисрдаги халқаро турнир мен учун омадли якуланди. Кўпқураш баҳсларида кумуш, аргачи ва халқда бажарилган машқларда бронза медалини қўлга киритдим.

Азиза кўп мартаба Ўзбекистон биринчилигида, Германия, Бельгия, Россия, Венгрия каби Европа давлатларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда шохсупага кўтарилган.

— Фарзандларимнинг яхши таълим-тарбия олиши билан бирга, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига ҳам алоҳида эътибор бераман, — дейди футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони Шухрат Мамажонов. — Спорт ўйил-қизларни тарбия-интизомли, масъулиятли, меҳнатқаш, мақсад сари интилувчан бўлиб вояга етишида муҳим омил ҳисобланади. Қизим Азиза бадий гимнастика бўйича қўлаб муҳаси мутахассислар эътиборини қозонганидан фахрланаман. Ўзлим Азамат эса футбол бўйича "Пахтакор" ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси сифатида ўз олдига улкан мақсадларни қўйган.

Дарҳақиқат, инсоннинг шахс сифатида камол топишида, унда кучли ирода, ғалабага интилиш, қийинчиликларини енгиш руҳини тарбиялашда, қалби ва онига ватанпарварлик, эл-юртга садоқат, ифтихор каби ғазилларини синдиришда спорт бекиёс аҳамиятга эга. Мамлакатимизда болалар ва қизлар спортини ривожлантириш учун яратилган шароит бугун ўз самарасини бермоқда. Ўзбекистонда кашф этилган ва жаҳон таърибасида кузатилмаган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиададан иборат уч босқичли узлуksиз спорт тизими, Болалар спортини ривожлантириш



Ватанни шарафлаш бахти

жамғармаси фаолияти фарзандларимизнинг ҳар томонлама камил инсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. — Энг тотли ғалабалардан бирига "Умид ниҳоллари"да эришдим ва ўқувчиларнинг бу спорт байрами хотирамда умр-бод сақланиб қолади, — дейди Азиза Мамажонов. — Спортда юқори натижаларни қайд этишида мазкур ўйилларнинг ўрни бекиёс. Қашқадарё ва Гулистонда ўтказилган "Умид ниҳоллари" ташкилотчилик жиҳатидан жаҳон кубоги босқич-

неча мартаба таъкидладилар. Жорий йилнинг 14-20 феврал кунлари пойтахтимиздаги "Универсал" спорт саройида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Азиза Мамажонов кўпқураш беллашуварларида олтин медал ва Сингапур Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Бундан ташқари, умидли спортчимиз тўп, булава ва халқа билан машқ бажариш бўйича учта олтин, аргачи ёрдамида намоиш этилган композиция учун кумуш медалга сазовор бўлди.

— Азиза ўта иқтидорли гимнастикачи эканини Осиё чемпионатида яна бир қарра исботлади, — дейди спортчининг устози Татьяна Роговая. — У айни пайтда Сингапурда ҳакамлар ҳукмига ҳавола қилинганда композицияларини янада мукамал ва пухта ўзлаштирмоқда. Спортчимиз Осиё чемпионатидан сўнг Португалия ва Францияда ўтказилган нуфузли мусобақаларда, мамлакатимиздаги чемпионатларда таърибасини оширди. Энди Испания ва Голландиядаги турнирларга боради. Бугунги кунда Азиза Мамажонов ўз тенқурали ўртасида дунёдаги энг кучли олти нафар бадий гимнастикачидан бири сифатида эътироф этилмоқда.


— Олдимига қўйган мақсадларим кўп, — дейди Азиза. — Ҳозир ўта масъулиятли ва тарихий мусобақа — ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган I Олимпиада ўйилларида Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун тайёргарлик кўряпман. Ватанимиз равақига хизмат қилиш ва юртимиз довругини оламга ёйиш — энг катта орзуим!

Бутун Азиза каби кўлаб ёшларимиз эзгу орзуларини амалга ошириш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Бу мамлакатимизда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама раббатлантириш ва қўлаб-қувватлашга қаратилган доимий эътибор самарасидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимига мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдур.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ

Дунёдан дараклар

Қароқчилар қўлга олинди



Буюк Британиянинг «Chatham» ҳарбий фрегати Шарқий Африка қирроқларида денгиз қароқчиларининг иккита тезорар қайинини сувага ўқтириб юборди. ВВС хабарига айтилишича, фрегат бортидан самога кўтарилган вер-

толет Танзания қирроқларидан 150 мил узоклиқда иккита тезорар қайини сувага кетаётган юк ташувчи кемани кўради. Сейшел оролларидаги Европа Иттифоқи ҳарбий-денгиз флоти кучлари таркибиде навбатчилик қилаётган «Chatham» фрегати уларнинг ортидан кузатув олиб боради. Маълум бўлишича, юк ташувчи кема қароқчилар томонидан гаровга олинган экан. Эрталаб денгиз пиёда аскарлари кемани озод қилиш бўйича амалиёт ўтказди.

Амалиёт чоғида икки қайиқ ҳам ўқтириб юборилди. 10 нафар сомалик қароқчи ҳибсга олинди. «Chatham» фрегати капитани Саймон Хантингтон амалиёт муваффақиятли ўтганидан қониқиб ҳосил қилганини билдирди.


Қизалоқлар озод этилди

Ямада мамлакат ва қўшни Саудия Арабистони махсус хизматлари вакиллари ҳамкорлигида икки давлат чегарасида амалга оширилган амалиёт туфайли бундан 11 ой олдин жангарилар томонидан ўғирланган уч ва беш ёшли немис қизалоқлар озод этилди. Қизларнинг ота-онаси ва бир ёшли укасининг тақдирини ҳозирча номаълум. Жорий йилнинг бошида матбуотда Яман ҳукумати немис оиласини озод этиш бўйича жангарилар билан музокаралар олиб бораётгани ва жиноятчилар 2 миллион доллар пул сўраётгани ҳақида хабар пайдо бўлганди.



Эслайтиб ўтамай, 2009 йилнинг июнь ойида Ямanning Саад музофотида тўққиз нафар сайёҳ гаровга олинган. Улар орасида беш кишидан иборат немис оиласи ҳам бор эди.

Самолёт ишлаб чиқармоқчи




Россия АҚШга биргалиқда «Ан-124» русумли транспорт самолёти ишлаб чиқаришни таклиф қилди. Бу ҳақда Россия ҳукумати раиси ўринбосари Сергей Ивановнинг баёнотида асосланиб, «Интерфакс» хабар тарқатди. Хабарда айтилишича, америкаликлар

ҳозирча бир қарорга келишгани йўқ, аммо Оқ уй ва Пентагонда бу масала ўрганилмоқда. Ивановнинг қайд этишича, гап бу ерда самолётнинг модернизация қилинган лойиҳаси ҳақида бормоқда. Тахминларга қараганда, икки давлат қўшма корхона ташкил этади ва янги самолёт шу корхонада ишлаб чиқарилади. «Ан-124» соатиға 865 километр тезликда уча оладиган дунёдаги энг катта юк ташувчи самолёт ҳисобланади. У биринчи марта 1982 йили Киев авиация заводида ишлаб чиқарилган. 1984 йилда «Ан-124»ни ишлаб чиқариш Ульяновск авиазаводида ҳам йўлга қўйилган эди. Аммо 2000 йилга келиб иқтисодий қийинчиликлар туфайли уни ишлаб чиқариш тўхтаб қолганди.

Миллиардер устидан ҳукм

Хитойда мамлакатдаги энг бой одамлардан бири, GOME электроника дўконлар тизими асосчиси Хуан Гуаню устидан суд ҳукми ўқилди. ВВС хабарига қараганда, тадбиркор порахўрликда ва ноқонуний шартномалар тузишда айбдор деб топилди ва 14 йилга озодликдан маҳрум этилди. У, шунингдек, 600 миллион юан (88 миллион доллар) жаримага ҳам тортилди. Бундан ташқари, миллиардернинг 200 миллион юан (30 миллион доллар)лик қимматли қорозлари мусодара қилинди.



10 ёшида мактабни ташлаб кетган 40 ёшли Хуан Гуаню (унинг асл исми Уонг Куонг Ю) дунёдаги йирик маиший буюмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг савдо нуқталарини ташкил этди. Унинг Хитойда 1300 тадан кўпроқ магазини бор.

У 2008 йилнинг ноябрида мамлакатдаги энг бой одам, деб эътироф этилган сўнг қамоққа олинган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ХАБАРЛАР

Чирчикда огир атлетикачилар сараланди

Тошкент вилоятининг Чирчик шаҳрида огир атлетика бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида мамлакатимизнинг 200 нафарга яқин спортчилари 8 вази тоифасида медаллар учун кураш олиб боришди. Қизикarli ўтган мусобақада Руслан Макаров, Баҳром Мендибоев, Улуғбек Алимов, Руслан Алпанов, Мансур Чашимов, Фенис Аҳмедов, Иван Ефримов ва Олим Очиладиев ўз вазна-

ларида чемпионлик шохсупасига кўтарилди. Ўзбекистон огир атлетика федерациясидан билдиришларича, ушбу чемпионатда сараланган спортчилар шу йилнинг сентябрь ойида Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтадиган нуфузли мусобақада медаллар учун курашиш билан бирга, 2012 йилги Олимпиада ўйилларига бериладиган йўлланмалар учун ҳам кураш олиб боришди.

Туркияда ёшлар зафар кучди

Шу йил июнь ойининг илк кунларида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича ёшлар ўртасидаги навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилди. Ушбу нуфузли мусобақада муносиб иштирок этишни режалаштираётган Ўзбекистоннинг ёш полвоалари кунги кеча Туркиянинг Истанбул шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда ўз имкониятларини яна бир қарра синодан ўтказишди. Мурасасиз баҳсларда эркин курашчиларимиздан Нодир Сафаров кумуш медални қўлга киритган бўлса, юнон-

румчилардан Шерзод Қурбонов бронза медали билан қифояланди. — Дунёнинг 25 га яқин мамлакатли спортчилари иштирок этган ушбу халқаро турнир терма жамоамиз аъзолари учун навбатдаги Осиё чемпионатига тайёргарлик вазифасини ўтади, — дейди эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг катта мурабийи Нурулан Жақсилков. — Истанбул тилаларида дунёнинг энг кучли курашчилари билан беллашган ёш полвоаларимиз Хитойда совринли ўйилларга даъвогарлик қилиши шубҳасиз.

ЖАРАЁН

«Универсиада — 2010»

Андижон шаҳрида «Универсиада-2010» республика спорт мусобақалари финал босқичига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилди. Иштирокчиларнинг каттагина қисми жойлашадиган Андижон Давлат университетига катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Университет ва унга қарашли академик лицей спорт залларида баскетбол бўйича ўзил ва қиз болалар ўртасидаги финал мусобақалари ўтади. — Маданий тадбирлар ўтказиш учун 400 ўринли янги амфитеатр фойдаланишга топширилди. Асосий ўқув биносининг олд томонидаги иккита фаввора жорий таъмирдан чиқарилди, — дейди АДУнинг молия ва иқтисодий ишлари бўйича проректори Сувохон Думаев. —

Замонавий ёриткичлар, ўтиричлар ўрнатилди. 6 минг нафар талаба иштирок этиши кутулаётган «Универсиада-2010» нинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтадиган «Соғлом авлод» ўйилгоҳи ҳам талаб даражасида келтирилди. Ташкилий қўмита қарорини билан иштирокчи талаба-спортчилар сафини янада кенгайтириш мақсадида «Универсиада-2010» нинг ўйил турлари бўйича саралаш мусобақалари Нукус, Самарқанд, Қарши, Тошкент ва Наманган шаҳарларида ўтказилмоқда. Бу асосан жамоавий спорт турлари бўлиб, ғолиблар медаллар учун курашни Андижонда давом эттирадидлар.

У.САКСОНБОВ, «Mahalla» МУХБИРИ

«ЖАР» рингида дунё боксчилари

Шу кунларда пойтахтимиздаги «ЖАР» спорт соғломаштириш жаммуасида бокс бўйича Сидней Жақсон хотирасига бағишланган халқаро турнир баҳслари ўтказилмоқда.

Ҳамад ўзбекистон бокс федерацияси томонидан ташкил этилган халқаро турнирда дунёнинг 10 дан ошиб давланидан келган спортчилар 8 та вази тоифасида беллашмоқда. Халқаро турнирнинг ғолиб ва совриндорлари 23 май кунни аниқланади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

Ёш теннисчилар «Пахтакор»да

Кеча Тошкентдаги «Пахтакор» теннис кортларида олимпиа захиралари коллежлари талабалари ўртасида теннис бўйича Ўзбекистон чемпионати бошланди.

Мамлакатимизнинг 100 нафарга яқин иқтидорли спортчилари қатнашаётган мусобақанинг кучлилари 23 май кунни маълум бўлади.

«Асалим» ёшларни кашф этади

Юртимизда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, қишлоқ жойларда унинг оммавийлигини йўлга қўйиш, ёш истеъдодларини аниқлаш ва қўлаб-қувватлаш мақсадида Бухорода «Асалим» республика спорт фестивалининг финал босқичи бўлиб ўтди. Республика «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, халқ таълими вазирлиги ва бошқа муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 1997—1998 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат жамоалар уч

кун давомида ғолиблик учун кураш олиб боришди. Енгил атлетиканинг 60 метрга югуриш, узунликка ва аргачида сакраш, шунингдек, қўл тўпи ўйиллари доирасидаги асосий беллашуварларда жисмоний жиҳатдан устуналигини намоиш этган мезбонлар жамоаси фестивал якунига кўра, 1-ўринни қўлга киритди. Фарғона ва Навоий вилояти ёшлари эса иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. А.РУСТАМОВ, «Mahalla» МУХБИРИ

КЎРИК-ТАНЛОВ

Энг намунали спортчи оила

15 май — Халқаро оила кунини муносабати билан оилаларни спорт мусобақаларига кенг жалб этиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, қиз-жувоналарни мустақил турмушга тайёрлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва ёшлар иштирокчи бўлиб, ғолиблар медаллар учун курашни Андижонда давом эттирадидлар.

Жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими, «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва бошқа қатор ҳомий ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрик-танловда барча туманлардан намунали спортчи оилалар иштирок этишди. Улар югуриш, узунликка сакраш, граната ва теннис коптегини улоқтириш, «Баркамол авлод йили»га бағишланган савол-жавоблар бўйича ўзаро беллашди. — Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оилаларда кундалик турмуш тарзини айлантириш бугуннинг муҳим вазифаларидан, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими

бошқаруви бош мутахассиси Умида Дўстмухамедова. — Бу оила аъзоларининг жисмонан бақувват ва соғлом бўлишига, қолаверса, меҳнат қобилиятининг ўсишига ёрдам беради. Маҳалалардаги спорт билан мунтазам шуғулланаётган оилаларни аниқлаб, улар ўртасида турли спорт мусобақаларини уюштириш, ғолибларни муносиб раббатлантириш ҳамда барча оилаларнинг фаол иштирокини таъминлашда ҳомий ташкилотларнинг ҳамкорлиги айни муддао бўлмоқда. Оилаларни оммавий спортга жалб этишга қаратилган бундай танловларни мунтазам ўтказиб туриш режалаштирилган.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, олий ўринни Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи Йўдошевлар оиласи, 1-ўринни Мирзо Улуғбек туманидаги Рамозоновлар оиласи, 2-ўринни Утепа туманидан иштирок этган Зигляевлар оиласи, 3-ўринни эса Собир Раҳимов туманилик Аҳмедовлар оиласи қўлга киритишди. Яна кўлаб спортчи оилалар кўрик-танловнинг бир нечта номинатсиялари бўйича ғолиб деб топилиди. Танлов ғолиблари ҳомий ташкилотлар томонидан пул ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, тадбирда энг ибратли оилалар ҳам эътиборли, уларга совға-саломлар улашиди.

Ҳуснидҷон СУЛТОНОВ.

Жаҳон санъати дурдоналари



Тошкентда

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий ўзликни англаш, ҳақимиз маънавиятини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида бой ва бетакрор меросимизни асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, буюк аждодларимизнинг юксак салоҳиятини юртимиз ва жаҳон миқёсида тарғиб ва ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Бадий академияси, Тошкент шаҳар ҳокими, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида бошланган "Жаҳон санъати дурдоналари Тошкентда" бадий лойиҳаси бу йўналишдаги ибратли ишларнинг яна бир тасдиғидир.

Халқаро музейлар куни муносабати билан ташкил этилган ушбу лойиҳа домида пойтахтимиздаги марказий кўчаларда юртимиз ва жаҳоннинг номдор музейларида сақланаётган ноқадим эҳсонлар асарлар акс эттирилган баннерлар томошбинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирга санъатшунослар, мусаввирлар, олимлар, маънавият тарғибчилари, юртимизда фаолият кўрсатаётган жамоат ва халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар тақдир этилди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёв азадан маънавият, им-маърифат, санъат ва маданият маркази бўлиб келган ўзбек заминидан ис-

Юртимизда музейлар ишини ривожлантириш, фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларда сақланаётган ноёб осори-атиқаларни келуси авлодларга безавол етказиш, чуқур ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш орқали халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор қаратишмоқда.

— Ўзбекистондаги музейлар дунёда маълум ва машҳур, — дейди французлик сайёҳ Эрик Обер. — Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Амалий санъат музейи, И.Савицкий номдаги Қорақалпоқ Давлат санъат музейи шулар жумласидандир. Ушбу бадий лойиҳа музейлар ишида халқаро ҳамкорликнинг кенгайтиришда, уларнинг фаолияти, моҳир рассомлар ижоди билан атрофлича таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Жаҳон санъати дурдоналари Тошкентда" интерфаол лойиҳасидан қўзланган асосий мақсад шахримиз аҳолиси, айниқса, ёшларни бадий жараёнлар тарихи, соҳадаги ютуқ ва янгиликлардан бохабар қилиш, тасвирий санъатнинг ноёб дурдоналарини намуналаридан баҳраманда этиш учун имконият яратишдан иборатдир. Лойиҳа доирасида томошбинлар Тошкент шаҳри кўчаларида Буюк Британия, Германия, Норвегия, Италия, Испания, Нидерландия, Россия, АҚШ, Франция, Хитой, Япония каби мамлакатлар ҳамда юртимиз музейларида сақланаётган ноқадим тасвирий асарлар акс эттирилган баннерлар билан танишиш имкониятига эга бўлади. Келгусида ушбу лойиҳа янада кенгайтирилиб, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида давом эттирилиши кўзда тутилган.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири



Порлоқ келажак эгалари

Сўнги кўнгирик... Унинг содалари кимни уйга чўдирмаган, кимга бегубор онлар шуқуҳини ҳис эттириб, ҳаяжонга солмаган, дейсиз. Айниқса, жонажон мактаб кучонидан учирма бўлаётган битирувчилар севинч ва озгина ўқиниш билан қаршилашади бу дамларни. Гўё болалик деб аташни боқира дамлар нафаси энди бир умрга қалбларини тарқатаётгандек туюлади уларга. Асанда сўнги кўнгирик битирувчини она-Ватан корига камарбаста бўлмоқлик фурсати етганидан дарак берувчи чорлов, етуқлик палласидан шаҳодат берувчи бонг эканини яқин билишди улар. Бу туйғуни ҳис қилган ёш юрак она халқи, Ватани, миллати учун ёниб яшашга аҳд этади, Ватанига муносиб фарзанд бўлишга жон-жаҳди билан интилади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жорий 2009 — 2010 йилги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ўқув йили»ни 675174 нафар битирувчи йигит-қиз тугаллаш арафасида. Улардан 598127 нафари тўққиз йиллик, 77047 нафари ўн бир йиллик мактабни битиришади.

Ёш авлод куч-қудратини шиддатли дарё ўзанига қийсаш мумкин. Чунончи, дарё сувларини тўғри йўналтириб, ундан оқилана фойдалана билиш яратувчанликка асос яратса, фарзандларга ўз вақтида берилган яқин тарбия ва эътибор уларнинг ҳаётида ўз ўрнини эгаллашларида муҳим омил бўлади. «Келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилди, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги кўни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бутун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ», деб ёзади Юртбошимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида.

Айни пайтда республикамиздаги 138 та академик лицей, 1370 та касб-хунар коллежи фарзандларимиз истиқбол, демаски, юрт истиқбол учун хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, фарзандларимизнинг эзгу мақсадлар сари дадил одимлашда маҳалланинг ҳам ўрни беқийс.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Хайрбод» маҳалласида «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги асосида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Маҳалла болалари ҳудуддаги 200-, 202- ва 217-умумтаълим мактабларида таҳсил олишади. Айни пайтда мактабни битириш арасидаги йигит-қизларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш, касб-хунарга йўналтириш, энг асосийси, уларнинг ҳаётида ўз ўрнини топишларида кўмаклашиш маҳалла мутасаддиларининг доимий эътиборида.

«Маҳалланг ҳам отанг, ҳам онанг», дейди халқимиз. Чунки маҳаллалар нафақат одамларнинг дарду ташвишлари ҳал қилганидан жой, балки қадриятларимиз шаклланиб ривож топаётган, бағрида фарзандлари билан бирга улкан орзу-уй, эзгу мақсадлар буй кўрсатади олишади. Айни пайтда мактабни битириш кучонидан учирма бўлаётган ёш авлод вакиллари ҳам ушбу ошённинг полапонлари, порлоқ келажакимиз эгалари.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Гилос дарддан фориг этади

Гилос — май ойининг сервитамин неъматларидан. Бу мева иштаҳани очади, қоринни дамлашишдан сақлайди, ични юмшатади. Гилосни қайнатмалар нафас йўллари ялғиранишида, балғам кўчишида ёрдам берибгина қомай, юқумли касалликлар билан шомолаганда ҳароратни туширувчи омил ҳамдир.

Гилос гуллари ва баргларидан қўшиб тайёрланган малҳам яра-жароҳатлар, чиқоқ, хўпозларга сурилади. Айрим мамлакатлар халқ табобатида буйрак тоши давоси учун гилос меваларидан тайёрланган қайнатма бузилади. Шунингдек, халқ табобатида гилос гулдан бод касаллигини даволашда фойдаланилади. Замонавий тиббиётда ҳам гилос гуллари таркибидидаги салицил кислотаси ревматизмни даволашда қўлланилади. Гилосни камқонлик (гипохромли анемия) касаллигида истеъмол этиш кони фойда. Чунки унинг таркибидида салмоқли микдорда «қон яратувчи» темир моддаси элементлари бор. Гилос ҳафтон хасталигини даволашда ҳам қўл келади. Шу мақсадда тўқ-қизил гилос навларидан ҳар кун 250 — 300 грамм микдорда истеъмол этиш лозимдир. Чунки гилос мевалари таркибидида Е, В, РР, С белгилли дармондорилар, антоцианлар, органик ачиллар, маъданли унсурлар (калий, кальций, магний, фосфор, темир унсурлари) шодаси мавжуд.

Республикамизда «қора гилос», «хўкиз юраги», «саври султони», «сарик гилос» навлари етиштирилади. Қизил маржондек кўзни қувнатувчи гилос инсон саломатлиги учун кони фойдадир.

Дово ХУЖАЕВА,
олий тоифали дорихунос.

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Ҳар ҳовлининг гулзори бор

Хар гал маҳалламиз кўчаларини айланганимизда, кўни-кўшилар билан суҳбатлашганимизда ҳаётнинг бир ҳикматини англаб етгандай бўламан. Бу масканда эътибор ва эъзоз туғайли борлиқ яшайди, инсон қадри янада сарбаланд бўлади. Буни маҳалланинг номидан ҳам билиш бўлади. Маҳалламизнинг «Маданий ер» деб аталишига шундай омил асос бўлган. Маҳаллошларимиз, асосан, деҳқончилик билан шуғулланиди. Зироатчилик жиддий эътибор берилгани ва маҳалламизда маданият, маърифат, маънавиятга интилиб яшаётган инсонлар кўлиги боис, шу номни кўпчилик маъқулаган. Маҳалламиз номи ва унинг истиқбол билан тендош эканидан фазриланамиз.

Бу масканда беш миң нафардан зиёд аҳоли яшайди. Ибратли оилалар кўп. Шулардан бири кексаллик гаптини сураётган Раҳимберди Тангрибердиевнинг оиласи. Фарзандлари Кўпалбой, Мансурбек шифокор, Бахтиёр муҳандис, Мехрибон тадбиркор, Абдулла Тошкент тиббиёт академияси талабаси. Келинлари Сурайё, Муҳайё, Ниҳолжон, Широноилар шифокорлик ва ўқитувчилик касби билан шуғулланишади. Раҳимберди бобо ва Холжон момо неваравара-чевараларини ҳам эл-юртта, маҳалла-

га қайишадиган инсонлар қилиб тарбиялашаётир.

Ўз бахтини меҳнатдан тошган Ражаббой Соттиев ва Раҳмонберди Жоников «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони билан тақдирланган. Ер билан «тиллаша олиш» иммига эга бу отахонлар маҳаллада болалар, гулзорлар, хиёбонлар яратиш, томорқадан унумли фойдаланиш ишларига ҳамма бошқоқш. «Дўстлик» ордени нишондори М. Олимов, «Шуҳрат» медали соҳиби Р. Азимов ҳам жамоатчилик ишларида фаол. Зийнатхон Хужаниёзова, Машариф Қўчқоров, Омон Рўзиматов, Қосимжон Бобоҷонов, Бахтиёр Хайитов, Эркин Рўзиматов каби тадбиркорлар эҳтиёжманда оилалардан ҳомийлик ёрдамини аямашади. Хотира ва қадрият кўни арасида ҳомийлар кўмаги билан ногирон ва боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олинди. Худудимиздаги «Юлдуз» болалар боғчасида фахрийлар билан учрашувлар ўтказилиб, кичкинтойлар-



га совға-саломлар улашди.

Яқинда маҳаллошларимиз хайрли ташаббус билан чиқиди. «Ҳар ҳовлининг оди гулзор бўлсин», деган широра амал қилган одамларимиз гул ва манзарали дараклар экиш борасида ташаббус кўрсатаётир. Бутун маҳалламизга ташриф буюрган киши катта гулзорга айланган масканни қўриб, бахридили очилади. Бундан биз жуда мамнунимиз. Ҳар гал шундай хаёлларга берилганда қалбимизда бир ҳис тугён уради, шунда беихтиёр: «Бу менинг маҳаллам!», дейман.

Ровияжон ШАНИКОВА,
Хоразм вилояти Хоёқ туманидаги «Маданий ер» маҳалласи фаоли.

АЖАБО!

Антиқа мушуклар

1966 йили Торонто (Канада) шаҳри фуқароларидан бирининг уй мушуги ғаройиб мушукчани дунёга келтирган эди. Нимаси ғаройиб дейсизми, «Сфинкс», деб номланган бу жонивор буткул юнгсиз бўлиб, ҳаракатлари ҳам ажабтовур. Бундай мушукларнинг туғилиши анъана тусини олади шекилли, ҳозир улар сони 3 тага етди. Булар: канада сфинкси, дон сфинкси ва петербург сфинксидир.

Дунёдаги энг улкан илон Африкада

Тадқиқотчилар Жанубий Африканинг тропик ҳудудларида яшовчи Сапид анаконда турининг энг йиригини аниқлади. Изқуварларнинг маълум қилишчи, бу илоннинг узунлиги 11 метру 43 сантиметр экан. Бунга қадар топишган ер юзидидаги улкан илон Нью-Йоркнинг зоология жамиятида сақланади. Унинг узунлиги 9 метр, оғирлиги 130 кг.

Яна бир янгилик. Яқинда Миср ҳудудларидан қадимда яшаган улкан илонларнинг қолдиқлари топишган. Мутахассислар топилаётган ўрганиб, бу илонларнинг узунлиги 11,8 метр бўлганини ҳамда улар бундан 55 миллион йил аввал яшаганини айтишмоқда.

Мафтуна ЭСОНОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар М.Улўбек тумани ҳокимияти томонидан 2000 йили №1303 қарори билан рўйхатта олинган «БУЙУК-АФРОСИЙОВ» МЧЖ га берилган гувоҳнома ва далолатнома йўқолганини сабабли бекор қилинади.